

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқо бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 112 (9.915)

2003 ЙИЛ 10 ИЮНЬ

### БОЛАЛАР СПОРТИНИ ОММАВИЙ СПОРТГА, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ОММАВИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

Хабар қилинганидек, 4 июнь куни Оксаройда Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисида 2003 йил 7 февраль куни ўтказилган Хомийлик кенгаши йиғилиши баёнининг бажарилиши, жорий йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғарманинг 2003 йил бюджетини тасдиқлаш, спорт анжомлари, кийим-кечаклари ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўз ҳудудимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари, шунингдек, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 4-канални спорт каналига айлантириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Қуйида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг мазкур йиғилиши баёни эълон қилинмоқда.

Авало, мажлис иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўла

ганов ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг 2003 йил 7 февралдаги йиғилиши баёнининг бажарилиши ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан болалар спортининг ҳолатини тўрт йўналиш (1-4 синф, 5-9 синф, коллеж ва лицейлар, маҳаллардаги спорт шохобчалари) бўйича ўрганиш асосида спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг сонини аниқлаш ва танқидий баҳо беришга қаратилган таҳлиллар ўтказилгани маълумот учун қабул қилинди.

Ўтган даврда Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ва бошқа

мутасадди идоралар томонидан болаларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун равишда камол топишини таъминлаш, мамлакатимизда болалар спортининг асосий йўналиш ва турларини ривожлантиришнинг тиббий ва илмий асосларини яратиш бўйича тавсиялар асосан ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Шунингдек, умумий таълим мактаблари учун 2003-2004 ўқув йилига мўлжаллаб жисмоний тарбия ва болалар спортига оид ўқув дастурлари, дарслик, методик қўлланмалар ҳамда плакатлар тайёрлаш дастури тузилган. «Соғлом оила» мусобақаларини ўтказиш Низомии ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур мусобақалар Наврўз байрами арафасида маҳаллалар миқёсида бошланиб, ҳозирги кунда давом этаётир.

(Давоми 2-бетда)

**XXI саҳоси**  
Барча манбалардан  
олingan сўягги хабарлар

#### Мамлакатимизда

• Тошкентдаги «Дедеман Силк Род» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Манополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) ҳамкорлигида рақобат сиёсатини такомиллаштириш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

• Бугун БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистонда фаолият бошлаганига 10 йил тўлади.

• Хоразм ҳамда қашқадарёлик санъаткорлар Қашқадарё вилояти туманлари бўйлаб мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллик байрамига бағишланган «Умринг боқий бўлсин, жонон юртим!» номли қўшма концерт дастурини намойиш этишмоқда.

• Навоий вилояти пиллакорлари тайёрлов пунктларида 600 тоннадан зиёд пилла топириб, шартнома режасини бажардилар.

• Андижондаги Олимпия захиралари спорт коллежида очилган академик лицей ва касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ёш rassomлар яратган «Барқамол авлод — миллат келажаги» мавзусидаги асарлар кўргазмасининг голиблари аниқланди.

#### Жаҳонда

• Япония ҳукумати ҚХДРда ядро муаммоси юзасидан кўп томонлама музокара ўтказилишига қўмақлаши ниятида эканлигини билдирди.

• Конгога Франциянинг 1400 кишидан иборат тез ҳаракат қилувчи тинчликпарвар кучларининг биринчи гуруҳи келди. Улар БМТ тавсиясига кўра, Конгонинг шимоли-шарқ минтақасида қон тўкилишини тўхтатиш мақсадига ташриф буюришти.

• Исроил ҳудудига киришга ҳаракат қилган террорчилар билан юз берган отишмада 4 нафар ҳарбий халок бўлди, шунча аскар жароҳатланди.

• Европа Иттифоқи ҳукумати томонидан инсон ҳуқуқлари поймол этилгани сабабли Кубага қарши бир қатор дипломатик чораларни киритиш ҳақида эълон қилди.

• Хитойнинг Чжецзян вилоятида дунёдаги энг узун кўприк қурилиши бошланди. Узунлиги 36 километр бўладиган бу кўприк Ханчжоуван кўрфазининг икки қирғоғини бирлаштириши керак.

### ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли

Янгиликлар, воқеалар

#### ҚИСҚА сатрларда

□ **БУГУН** «Бектемир» универсал бозорида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан «Кучли давлатдан кучли жамият сари» мавзусида давра сўхбати уюштирилди.

□ **БУГУН** Яккасарой туманида жойлашган 48, 160-мактабларда болалар учун дам олиш оромгоҳлари фаолият бошлади. Унда 300 нафар келажагимиз ворислари кўнгилли ҳордик чиқаришди.

□ **ШУНИНГДЕК**, Мирзо Улугбек туманидаги 208, 222, 279-мактаблар қошида ҳам **БУГУН** мактаб ўқувчиларининг ёғи таътилини мазмунли ўтказишлари мақсадида оромгоҳлар ташкил этилди.

□ **«БУНЁДҚОР»** ёшлар телеклубида «Эволюция» интеллектуал маданий ўйини бўлиб ўтди. Унда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари ҳамда Тошкент Давлат маданият институтлари талабалари ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Илгари хабар берилганидек, айни кунларда шаҳримизда «Экология ва саломатлик кунларининг 2003 йил иккинчи босқичи доирасидаги «Санитария, гигиена ва экологик маданият» ўн кунлиги (5-15 июнь) тадбирлари «Ўзбекистон—барқарор ривожланиш йўлида» шиори остида бўлиб ўтмоқда.

### БОҒДА ЭКОЛОГИЯ ФЕСТИВАЛИ

Ўн кунлик доирасида 7 июнь куни «Орол оналари ва болаларига» шиори остида Республика экологик шанбалиги ўтказилиб, унда мамлакатимизнинг кўп миллионли аҳолиси қаторида ҳамшаҳарларимиз ҳам фаол иштирок этишди. Анъанавий экологик шанбалик Халқаро «Экосан» жамғармаси ташаббуси билан Тошкент Ботаника боғида ҳам қизгин ўтди. Унда жамғарма ходимлари, Юнусобод тумани маҳаллалари аҳолиси, ёшлар, шаҳримизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари ва кенг жамоатчилик фаол қатнашди.

Шу кун «Экосан» Халқаро жамғармаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳримизнинг кўркам ва ҳашманзара «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида «Ўзбекистон — барқарор ривожланиш йўлида» деб номланган катта Экофестиваль бўлиб ўтди. Боғда янграган карнай-сурнай навалари ҳамшаҳарларимизни ўз бағрига чорлади. Ушбу тадбирда элчионалар томонидан тайёрланган рангбаранг экспонатлар, таниқли rassomларимизнинг «Рассом ва табиат» ҳамда шаҳримиз туманларидаги мактаблар иктидорли ўқувчиларининг «Келажагимиз ва экология» мавзусидаги ижодий кўргазмалари, шунингдек халқ ама-



лий санъати асарлари, анвоий гуллар намойиши боғга ташриф буюрган катта-ю кичкинлик диққатини ўзига тортиди.

Байрам тадбирида сўзга чиққан «Экосан» Халқаро жамғармасининг президенти Юсуф Шодиметов Обод маҳалла йили муносабати билан ўтказилаётган «Энг обод маҳалла» республика кўрик-танлови иккинчи босқичи голиби ва совриндорларига пул мукофотларини топширди.

Катта шодийнага айланган Экофестивалда айниқса болажонлар дилдан қувнаб ярашди, шу кун боғдаги турли хил аттракционлар улар учун бепул хизмат кўрсатди. Шунингдек таниқли эстрада юлдузлари ижросидаги дилбар куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, таниқли кулги усталарининг чиқишлари йиғилганларга бир олам завқ ва қувонч бахш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Фуломова иштирок этди.

Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТДА: «Боғи Эрам» боғида ўтган Экофестивалдан лавҳа.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

# БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАШТИРИШНИ ОММАВИЙ СПОРТГА, УНИ РИВОЖЛАШТИРИШНИ ОММАВИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекингилсанот» давлат акциядорлик компанияси томонидан мамлакатдаги мавжуд мактаб, коллеж, лицей ва маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш учун зарур спорт анжомлари ҳамда спорт кийимларига бўлган эҳтиёж аниқлаб чиқилган. Миллий кадрлар ва аъёнларни инobatга олган ҳолда спорт кийимлари намуналари яратилди ва уларнинг кўргазмалари ўтказилган. Кийимлар дизайнининг ҳажон андозалари даражасида ишлаб чиқишнинг таъминлаш мақсадида режалар белгиланган.

Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг бакалаврият, магистратура ва махсус сиртки бўлимларига болалар спортини учун ва уни ташкил қилиш юзасидан педагог-мураббий кадрлар тайёрлаш, шунингдек, спорт журналистикаси ва психологияси мухтассилликлари бўйича таълим бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилган.

Мажлисад жойлардан билдирилган тақлифлар асосида 2003 йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғармининг 2003 йил бюджетни лойиҳалари ишлаб чиқилган, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари тайёрланган, ҳомийлардан Жамғарма ҳисоб рақамига 1 июнга қадар 8,2 миллиард сўм ва 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ тушган ҳақидаги ахборотлар ҳам маълумот учун қабул қилинди.

Шу билан бирга, бу борада айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. Хусусан, марказда ва жойлардаги айрим мутасадди раҳбарлар ўта муҳим, миллатимиз келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган бу улғур масаланинг моҳияти ва аҳамиятини ҳали-бери тўла тушуниб етмагани сезилмоқда. Шу боис уларнинг фаолиятида юзаки қараш, расмиётчилик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Жамғарма олдидан турган вазифаларни тўла амалга оширишда тўсиқ бўлмоқда.

Мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига етарлиқа эътибор берилмапти. Янги болалар спорт иншоотлари ва шохобчаларини қуриш бўйича тайёрланган лойиҳаларда уларни маҳаллий шароитга мослаштириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Баъзи жойларда болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти ва таълим тизимидagi жисмоний тарбия дарслари масаласини тушунишда чалқашликка йўл қўйилаётди. Бу борада Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жамғармининг ваколат ва масъулиятини қатъий белгилаб қўйиш зарурлиги ўқтирилди.

Жамғарма тизимига, хусусан, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига Жамғарма олдидан турган мақсад-вазифаларни чуқур тушуниб етмаган, фаоллик ва ташаббускорлик, фидойийлик фазилати етарли бўлмаган кишиларни ишга қабул қилиш ҳолларига йўл қўйилаётди.

Бундан ташқари, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини кенг, умумхалқ ҳаракатида айлантириш борасида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талаб даражасида эмаслигига ҳам эътибор қаратилди.

Ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида, аввало, қишлоқларда жойлашган ўқув юрталарида ҳафта давомидаги спорт дарслари ҳажмини кўпайтириш масала-

ларини қайта кўриб чиқиш ва янги ўқув йилида татбиқ қилиш тавсия этилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2003 йилга мўлжалланган бюджети жорий йилнинг 9 ойлик натижаларига кўра қайта кўриб чиқиш шартли билан тасдиқланди.

Ҳомийлардан тушириб белгиланган миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушушини таъминлаш Бош вазир ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилди. 2003 йил 1 июль муддати билан тўпаланган валюта ҳажмини ҳомийлар ҳисобидан яна 1 млн. долларга кўпайтириш кўзда тутилиши қайд этилди.

Жамғармининг 2004 йилга мўлжалланган бюджетдаги миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ҳажми ҳақида Бош вазир ўринбосари Р.Азимов ва молия вазирлиги М.Нурмуродов томонидан 2003 йил 15 ноябргача тақлиф қилиниши белгилаб қўйилди. Жамғарма маблағларини сарф этиш ва назорат қилиш вазифаси ва масъулияти молия вазирлиги М.Нурмуродов зиммасига юклатилди.

«Ўздавархитектурилиш» кўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоят ҳокимлари, «Маҳалла» ҳазиря жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда қурилиш мўлжалланаётган спорт иншоотларининг лойиҳалари бўйича аниқ тақлифларни уч ҳафталик муддатда ҳар қайси вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олган ҳолда кўриб чиқиш учун қиратиш тўғрисида топшириқ берилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига, Халқ таълими вазирлигига, Ўрта махсус касб-хунар таълими марказига болалар спортини учун пухта замин яратиш мақсадида, мамлакат ва ҳудудлар миқёсида спорт билан мунтазам равишда шуғулланаётган 6-17 ёшдаги болалар соғи ҳақидаги аниқ таҳлилга асосланган тўлиқ маълумотни икки ҳафта муддат ичида тақдим этиш вазифаси топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига илмий ва тиббий асослар ҳамда ҳудудларнинг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда, истиқболли спорт турларини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган тақлифларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов раислигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Давлат мулки кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат таркибда комиссия тузиш белгиланди. Комиссия зиммасига мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризация қилиш ва улардан унумли фойдаланиш масаласини ўрганиб, бир ой муддатда тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Йиғилиш баёнида қайд этилганидек, Болалар спортини иншоотларининг қурилиш ишлари самардорлигини ошириш мақсадида Жамғарма ҳузурда қурилиш объектлари дирекцияси ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Дирекция зиммасига Ҳомийлик кенгаши тасдиқланган қурилиш иншоотлари рўйхати асосида лойиҳалаштириш, қурилиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва бошқа тегишли вазифалар юклатилди. К.Тўлаганов уч ҳафта муддатда Дирекция тузилмаси ва Низомини ишлаб чиқиш тасдиқлашни ва бир ой муддатда унинг таркибинини малакали кадрлар билан тўлдирини таъминлаш зарурлиги белгилаб қўйилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси

бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ҳамда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларига мазкур масала бўйича 2003 йил учун тасдиқланган қурилиш ва таъмирлаш дастури асосида ташкилий чора-тадбирларни белгилаш, шу жумладан, қурилиш ташкилотлари ўртасида ўз вақтида ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларни белгиланган тартибда тендерлар ўтказиш йўли билан танлаб олиш, қурилиш объектларини ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий хусусиятларини инobatга олган ҳолда жойлаштириш ва бошқа барча зарур ташкилий ишларни ўз вақтида амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Молия вазирлигига барча қурилиш ишларини Жамғармининг тасдиқланган бюджети асосида ўз вақтида молиялаштириш, кўзда тутилган харажатларни белгиланган миқдорда ва мақсадли сарфланишини назорат этиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси болалар спорт анжомлари, кийим-кечақлар ва чарм-пойабзал махсулотларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган ишлар маъқулланди. Барча вилоятларда «Ўзбекингилсанот» давлат акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилган спорт кийимлари кўргазмаларини ўтказиш ва бу кўргазмалар фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борада икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига тегишли қарор лойиҳасини тақдим этиш вазифаси Бош вазир ўринбосари М.Усмоновга топширилди.

Ўзтелеферадиокомпания, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, ЎЗА, бошқа оммавий ахборот воситаларига болалар спортини ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегик йўналишлари бўйича ахборот ва тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш тавсия этилди.

Бош вазир ўринбосари Р.Азимов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзтелеферадиокомпания, Матбуот ва ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Оммавий спорт тарғиботини кучайтириш тўғрисида» қарор лойиҳасини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қиратиши лозимлиги таъкидланди.

Қарорда спорт журналистикаси соҳаси ҳодимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ўзига хос миллий тизимини шакллантириш, спорт нашрлари ва бу соҳага ихтисослашган бошқа оммавий ахборот воситаларининг моддий-техникавий базасини яхшилаш, спорт журналистларини рағбатлантириш, мамлакат телевидениесида махсус «Спорт» каналини ташкил этиш чора-тадбирлари кўзда тутилиши зарур.

Ушбу баён ижросини назорат қилиш Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ва Бош вазир ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши раиси, Президент Ислам Каримов тасдиқлаган ушбу йиғилиш баёни яна бир бор шундан далолат берадики, мазкур Жамғарма фаолияти ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломамлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг гоят муҳим шарти сифатида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва уни тарғиб этишни том маънода таъминлашга, энг муҳими, бу борадаги эзгу интилишларни умумхалқ ҳаракатига айлантиришга қаратилганлири.

(ЎЗА)

## • ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

### Сармоядорлар — муваффақият гарови

Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, рақобатбардор махсулотлар тайёрлаш, замонавий хорижий ускуналарни ўрнатилуш учун сармоядорларни жалб этиш корхоналарнинг келгуси ривожиди муваффақиятлар гарови бўлиши, шубҳасиз.

Ана шу боисдан ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир — корхоналарнинг тақдимот маросими «Ўзбекистон корхоналарини хусусийлаштиришда хорижий ва маҳаллий сармоядорларнинг имкониятлари» мавзусига бағишланди.

Тақдимот маросимида банк ходимлари, ҳиссасдорлик компаниялари ва жамиятлари раҳбарлари ҳамда сармоядорлар

иштирок этиб, тадбирини Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Нодир Ханов олиб борди. Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг бошлиғи Алишер Каримов мамлакатимиздаги корхоналарни хусусийлаштиришда хорижий ва маҳаллий сармоядорларга яратилган имкониятлар хусусида тўхталиб, бугунгидай тадбирлар ҳам сармоядорлар ва корхона раҳбарлари учун бир-бири билан танишиш, керакли

даражада билишда фойдали эканлигини таъкидлаб ўтди.

Тақдимотда иштирок этаётган корхоналар раҳбарлари ўз жамоаларининг айни кунлардаги фаолияти, акционерлик жамиятига айлангандан сўнгги натижалар, олинган фойда билан бир қаторда келгуси ривожланиш йўлидаги муаммолар хусусида ва уларни енчи йўллари билан бири сармоядорлар жалб этиш эканлигини айтиб ўтишди. Шунингдек, хусусий сек-

торни жадал ривожлантиришнинг рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бажариш учун хорижий ва маҳаллий сармоядорларни жалб этиш борасидаги аниқ ишлар хусусида ҳам тўхталишди.

«Ўзқабель» давлат акциядорлик жамияти қузатув кенгаши аъзоси, «Ўзэлтехпром» ассоциацияси бошқаруви бошлиғи В. Терешенко, «Электротехпром»

акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Х. Сайдахмедов, «Чорсу савдо маркази» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Р. Абдумажидов, «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари У. Мусаев ва бошқалар ҳам сўзга чиқишиб, ўз корхоналарининг ҳар томонлама имкониятларини кўрсатиб берди. Шу билан биргаликда улар йиғилганларни қизқитирган барча саволларга атрофилича жавоб қайтарди. Йиғилган банк ва сармоядорлар ушбу корхоналар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

Шарифа ИЛЁСОВА

## (Охири. Боши ўтган сонларда)

— Юзлаштиринг! — деди Жуманов совуқ қатъият билан. Энди овози гўлдираб чикмас, ҳар қалай, гапини аңгласа бўларди. — Мен бермаган порани бердим деблмайман.

«Яна бошладан эски ашуласини!» — Корягин гижинди.

— Демак, сиз обком секретарига ҳеч қандай пора бермагансиз? — деди тамомла локайд оҳангда.

Жуманов индамай бош иргачди.

— Яхши! Ундай бўлса, «Москвич»ни ким ҳада қилди? Нима эвазига?

— Унга турт йил бўлган, — деди Жуманов озини ўтириб. — Бўлим бошқарувчиси эдим.

Корягин кулди:

— Тўри, бўлим бошқарувчиси эдингиз. Махбуриятни областда биринчилар қатори бажаргансиз. Сизга «Москвич» совга қилганлар...

— Пулимга сотиб олганман.

— Аҳамияти йўқ! — деди Корягин баттар ижирганиб. — Ҳамма бўлим бошқарувчиларим шахсий машинада катайсиз қилмайди. — Яна маъноли сукут сақлаб,

Жумановга тикилиб ўтираверди. Дароқе, «Москвич»ни гапириши билан турт йилми, беш йил аввал бўлган сукут эсига тушди. Олганнинг туғилган кунни эди. Химикдан укаси Саша келди. Жиндек «отишгани»дан кейин ҳарат қилди. «Бу — ўзбекларни тергайдиган қонун борми-йўқми, сен юристсан-ку! Улар бизнинг машинада катайсиз қилишни биллади, эвазига пахта деб тупроқ аралаш хас-хашак жўнатади». Корягин ўшанда бу гапга унчалик эътибор бермаган эди...

— Биласизми, Жуманов? — деди дилқашлик билан. — Бир нарсага ҳеч аңламапти. Марҳамат қилиб тушунтириб берсангиз. Демак, «ХХV партсъезд» совхози қолоқ бўлган. Сизнинг бўлимингиз эса областда биринчилар қатори махбуриятни бажарган. Қандай қилиб?

Жуманов энгак қоққандек, бошини галати сарак-сарак қилди.

— Аввал ҳам айтган эдим-ку...

— Нима қилпти, яна қайтараверинг! — Корягин кинояли кулди. — Сиз гапираверинг, мен эшитавераман... Уёгини ўзим давом эттирайми? — деди гап оҳанги кескин ўзгартириб. — Та-а-а... Демак, «оқ олтин»ни яратувчи «олтин қўли» Жуманов ўта жонбозлик кўрсатган...

— Ишонмасангиз ўша пайтда бўлимда ишлаганлардан суранг.

— «Қаҳрамонона» меҳнат қилган, — деди Корягин истетхо билан. — «Оқ олтин»дан мисли қўрилмаган ҳосил олган. Шунинг учун унга машина совга қилганлар. Кейин директорликка қўтарганлар. Эвазига қирқ миң сўраганлар.

— Айтдим-ку, мажбур қилишди. — Жумановнинг овози тагин хириллаб бошлади. — Совхоз ўтириб қолган эди...

— Жуда тўғри! Қайси аҳмоқ илгор совхозини қирқ миңга сотади! Яхши совхозларнинг таккаси эллик миңдан етмиш миңгача бўлган. Бундайроғлари қирқ миң...

— Тухмат! — Жуманов порсиллаган лабини ялаб қўйди. — Ҳеч кимга пора берган эмасман!

Корягиннинг тоқати тоқ бўла бошлади. «Аҳмоқ! Қайсар ашак!»

— Тухмат денг-а? Энди мендан эшитинг, Жуманов! Сиз! — деди шиддат билан бармоғини бизиз қилиб. — Сиз порани ўз ихтиёрингиз билан бергансиз! Совхозни сотиб олиш учун! Аввал ҳам приписка билан шугуллангансиз. Бўлимни бошқараётганингизда. Катталар кўрадики, қўшиб ёзишга устасиз. Тахриба бор. Шундан кейин...

— Тушунсангиз-чи! — Жуманов аянчли хириллади. — Бермаган нарсамни қандоқ қилиб бердим дей... Ахир мен борйўғи ярим йил директор...

— Ярим йил эмас, етти ой!

— Агар қўшиб ёзсан, совхоз плани бажармасиди!

— Омоннинг показанесини? — Корягин «дело»ни асабий берақлади. — Нега ўз эллик тонна пахтани приписка қилганингизни, Омоновдан нега ўттиз миң олганингизни айтмайми? Обкомга берган қирқ миңнинг ўрнини қоплаш керак эди!

— Ахир бу тухмат-ку! Пахта пункти совхозга нега пора бериши керак? Совхоз плани бажармаган, — деди Жуманов йиғламоқдан бери бўлиб. — Сак-

сон етти процентда қолган. — Бошини баттар сарак-сарак қилди. — Пахтанинг ўзи йўқ эди. Йўқ нарсани қайдан олай?

— Буни мендан сўраясанми? — Корягин чин дилдан кулиб юборди. — Мендан-а! Ҳа, тан оламан, мен пахта ни яхши билмайман. Аммо приписканинг кўхнасини хўп ўргандим. Плани бажара олмаганингиз учун ҳам қўшиб ёзгансиз. Бажамай десангиз, пахта йўқ, бажармай десангиз, балога қоласиз. Биламан, сиз аҳмоқ эмассиз. Иқтисодчисиз, бу гапларнинг ҳаммаси абсурд эканини билгансиз. Фақат бир нарсани тушунмайман. Наҳотки сиз — олий маълумотли экономист, ўйламагансиз? Марказий районларга тола ўрнига хашак борган. Кейин ўша лаънати хашак ҳам бормай қўйган, вагонларда ҳаво борган. Ҳа-во! — деди таъкидлаб. — Самолётларда эса дипломат тола пул борган. Тола йўқ, план бор. Пахта йўқ, пора бор! Орден бор, медал бор...

Қизиқ, Жуманов галати илжайди. Шишган юзи бир томонга қийшайиб кетди. Хириллаб кулган эди, йўтал тутди. Узок, антикиб йўталди.

— Нимаси кулгили? — деди Корягин ижирганиб.

— Узим...

— Жавоб беринг! Нимаси кулгили бу нопок ишинг?

олган пулни хотинга кўрсатиб нима қилардингиз! Жуманова Ҳанифа сизнинг хотинингизми, ахир? Ҳаммасини айтиб берди... Суҳбат пайтида. Дарвоқе, аёл кишини бундай хўрламаслик керак. Ахир сиз етарли даражада маданиятли одамсиз. Соцлари оқариб кетибди шўрликни. Сизга ноқерак бўлса, болаларингизга керак ҳали... Майли, гап бундамас. Шундай қилиб, ўша кеча пулни хотинингизга кўрсатиб-сиз. Аввал пол тагига яширибсиз, кейин... Текшириш бошланганида...

Жуманов бир муддат унга ҳайратланиб қаради. Кейин тўсатдан елкалари силкина бошлади. Корягин йиғлапти, деб ўйлаган эди. Йўқ, Жуманов куларди. Елкалари силкиниб, хириллаб-хириллаб кулди. Шишган башараси қийшайиб кетди. Тагин йўтал тутди.

— Пол тагига денг! — деди ҳансираб. — Пол тагига эмш... яна хириллади. — Менинг уйимда полнинг ўзи йўқ!

Корягиннинг ичда бир нима узилиб кетгандек бўлди. «Ярамас, Бердиев! Нега ўша кунни уйга олиб қирмади? Айвонда гап сотиб ўтириш шартми? Атайлаб қилган. Уям шуларга ҳамтовоқ! Уям босмачи!» Узини қўлга олиш учун шиша тагига қолган пепсини шошиллаб қўйди. Бамайлихотир ичди.

— Тушунарли, — деди осойишта қатъият билан. — Демак, хотининг Жуманова

республика раҳбарларининг ўзиям тиз чўкади ҳали...

— Қўлингдан келса, — Жуманов ҳамон тебранган кўйи бошини шаҳд билан кўтариб чакқайди. — Қўлингдан келса, Брежневни тириштириб келгин-да, уни-ям сўроқ қил! — деди вишиллаб. — Припискани ўша йўлаб топган! Ҳамтовоқлари билан! Йўқ пахтадан олти миллион тонна қиласан, деган ўша! — Жумановнинг қон қуйилган кўзлари қосасидан чиқиб ҳайқирди. — Бизни эшак қилиб минган — ўша!

— Порахўр! — Корягин Жумановнинг олдига учи боргиси, бир мушт билан ҳўшини жойига келтириб қўйгиси келди-ю, ўзини тийди. — Порахўр! — деди ҳайқариб. — Ҳаромхўр! Ҳамманг ўғирсан! Ҳамманг порахўр! Аввал уйингга қақира-сан, меҳмон қиласан, қўй сўясан, палов, шашлик... Миллий удумни рўқач қилиб, тўн қийгизасан. Юмшқоқна бўлиб одамнинг пинжига қирасанлар-да, кейин... Мана! — У стол тортмасини шаҳд билан очиб, бир тўп газетиси олди. Боши устида баланд кўтариб қилиптиди. — Ҳаммасида сенларнинг силкининг ёзилган! Республикада минглаб жиноятчи қамоққа олинган «Пахта иши» бўйича. Ҳамманг бир гўрсан! Бутун халқинг!... — Бир зум сукут сақлади-да, Амбарқўям ўғратган энг охири, энг қатъий зарбаини урди. — Эшитиб қўй, — деди истехзоли кулиб. — Эртага, йўқ, бутун сенга галати томоша кўрсатаман. Кампир-хотинингни режиде-вистлар ўтирган камерга тикаман. Бир йўла учтаси зўрлайди. Сен туйнқудан томоша қилсан!

— Туф! — Жуманов кўзлари ваҳшийлаб сағчиб турди. — Туф сенга! — деди ўқуриб.

Ажаб, тўпуги оғзидан чикдию порсиллаб ёрилган лабига елимдек ёпишиб қолди. Қутурган буқадек алпанг-талпанг бостириб кела бошлади.

— Конвой! — Корягин ваҳимага тушиб хотинлардек чинқирди. — Конв-о-о-ой!

Йўқ, Жуманов Корягинга эмас, дераза томон интилди. Соқчи эшиқдан кирганча бир ҳатлаб, дераза раҳига чўққалаб олди. Шу алпозда бир сония, атиги бир сония Корягинга қаради. Қўзиргина кўзлари ёниб турган газаб ифодаси ўрнида шу қадар чўқур, унсиз нафрат, ноқорлик, изтироб... шу қадар теран ҳайрат бор эдики, Корягиннинг юраги орқага тортиб кетди.

— Жуманов! — Василий Степанович дераза томон талпинди. Жуманов...

Гапини тутатмасдан деразада яна гира-шира оқшом ёруғи кўринди.

Соқчи икковлари баравар югуриб боришди. Чўқуриқидиго ҳовлида, ҳовуз четидида қилмёқча лампочка ёниб турар, Жуманов япроқларини чанг бошган арча тагида гайратабий ёнбошб ётар эди: боши ҳовузнинг цемент қиррасида, гавдаси қирғоқда... Корягин унинг жон таслим қилмоқчи, оёғини уч-тўрт силкиганини кўрди... Анйқ кўрди...

Ҳавони қалин булут ўраган, ёмғир хиди қелади. Юзига салқин эпкин урилди. Корягин тўрт ойдан бери қутган қўз эпкини...

\*\*\*

— Ўртоқ генерал... Мени мазкур группадан бўшатишингизни илтимос қиламан.

— Аризангиз билан танишдим, Корягин. Умуман... Терговни қонун бўйича олиб боргансиз...

— Рубэн Арамисович... Мен яхши юрист эмасман...

— Ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган. Жуманов қочмоқчи бўлганида, йиқилиб тушган... Боши ёрилган... Бўйин умурткалари синиб...

— Ўртоқ генерал!

— Дарвоқе, сизни табриқлайман, ёш дўстим! Погонингизга яна битта юлдуз қўнди...

— Мен... ахир...

— Василий Степанович! Азизим! Биз сизни ёш, гайратли мутахассис сифатида таклиф этганимиз. Бардам бўлинг! Жа-золаш керак буларни! Ҳаммасини! Битта қўймай! Қириб ташлаш керак!

— Рубэн Арамисович! Мен... Энди...

— Вах-вах-вах, аза очмоқчимисиз?.. — Генералнинг чўмбикдек бурни тиришди.

— Эртагаёқ Ўзбекистонга қайтасиз. Икромов делоси билан шугулланасиз. Пахтачилик бригадаси бошлуғи билан... Бошлаб додини беринг!

Ўткр Хошимов,  
Ўзбекистон халқ ёзувчисиЎЗБЕК  
ИШИ

## ҲИКОЯ

Жуманов унинг кўзига ўқрайиб қаради.

— Бўёқдан вагонда тола ўрнига ҳаво, самолётда пул борган экан, — деди гўлдираб, — уёқдагилар нега индамабди? Нега бизга пул керак эмас, толаннинг ўзини беринглаб демабди?

«О-о-о! Тилинг бурро-ку! — Укасининг гапи Корягиннинг эсига тушди. Укаси ким — оддий мастер. Додини кимга айтарди? Энди айбни биз томонга ағдармоқчимисан?!»

— Унисини аниқлаш бизнинг ишимиз! — Корягин товущига тагин расмий тус берди. Ҳар сўзини чертиб-чертиб таъкидлади. — Гапни айланторманг, Жуманов! Очигини айтинг: нега ҳаммаларинг қўшиб ёзишга бунчалик ёпишиб олгансизлар? Бир кунмас бир кун барибир сир очиларди-ку? Ақалии сиз — мутахассис сифатида билгансиз-ку бунни! Нега бу ёғини ўйламагансиз? Саволимага аниқ жавоб беринг! Кўзимга қараб туриб!

Жуманов кўзини олиб қочмади. Баттар ўқрайди.

— План юқоридан белгиланар экан, приписка бўлаверади! — Шундай деди-ю, боши тагин тебранишга тушди.

— Стоп! — Корягин унинг сўнгги гапини тез-тез қозғога туширди. — Демак, сиз припискани маъқуллайсиз? Демак...

— Йўқ! Мен припискага қаршман. Умуман бунақа ҳаром ишга...

— Омонов-чи?

— Яна Омонов! — деди айбланувчи ҳамон бош тебрати. — Юзлаштирингла-ру-ку! Тухмат қилаётгани кўриниб туририбди-ку! Ҳамма гапи пойма-пой...

«Тагин ўша ашула!» — Корягин тошиб келган газабини жиловлаш учун кулим-сирани.

— Сизнингча ҳамма ёмон, битта ўзингиз яхши. Ҳамма қора, бир ўзингиз оппоқ...

Бир нарсани айтмайми? — деди сирли қилиб. — Эракча гап... Биласизми, бунақа нозик нарсаларни хотин кишига айтмаслик керак эди. Сиз бўлса...

қўлларини икки ёнга ташлаб, афсус-надомат билан бош чайқайди. — Эҳ, Жуманов, Жуманов! Омоновдан

Ҳанифа нотўғри кўрсатма берган. Хоҳласам, эртагаёқ, йўқ, буғуноқ қамоққа тикаман!

Жумановнинг кўзиди бир лаҳза саросима кўринди. Хўрсинди.

— Қўлингиздан келади... — деди анчайиз ваэмин оҳангда. — Майли... Мен Ҳанифага ишонаман. Ёлғон гапирмайди...

Сочининг оқарганига келсак, уни мен эмас, сенлар оқартирдинг!

— Нима-нима?! — Корягин ижирганиб лабини бурди. — Қилгиликни сен қилгин-да, кампир-хотининг олдида мен жавоб берайми? Феодал! Бола тугдиришдан бошқани билмайдиган эшак!

— Ҳақорат қилма!

— Эҳ-ҳа! Ориятлари келдимиз? Эшитиб қўй! Ёлғон маълумот бергани учун хотинингнинг қамоққа тикмасан! Менга деса болаларинг очидан ўлсин! Қизингнинг жигари эзилиб кетсин!

— Болада нима гуноҳ! — Жумановнинг боши соат қагириддай муттасил тебрана бошлади. Оёқ-қўллари титрар, ҳозир ағдарилиб кетадиган алпозда эди.

— Бас! — деди Корягин ҳайқариб. — Энди болаларингни ўйлайдиган бўлиб қолдингми? Пора олиб, пора бераётганингда, приписка қилаётганингда эсинг қайқанда эди? Катталарнинг буйруғини қулоқ қокмай бажараётганда нега ўйламадинг болаларингни? — Корягин бутун нафратини бир сўзга жамлаб, жирканч билан таъкидлади. — Плебей!

— Тўғри айтдинг, плебейман... — Жуманов хирқиради. — Қулман... Норасмий қул... Сен-чи? Сен қул эмассансан?

— Учир! — Корягин столни муштлади.

— Қулсан! — Жумановнинг афти баттар қийшайди. — Бошлиқларинг олдида қулсан. Сендамга план бор. Йўқ гуноҳимни қанчалик тез бўйинимга қўйсанг, погонингдаги юлдуз шунча кўпаяди.

— Учир овозингни! — Корягин тагин столни муштлади. Бўш стакан зириллаб кетди. — Эртагаёқ Москвага, Бутиркага жўнатаман. Обкомининг ёғинга!

— Жуда яхши! Виждини бўлса айтсин, қачон пора берибман унга?

— Обкоминг ким бўпти? Керак бўлса,

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси 2003-2004 ўқув йилида Тошкент шаҳрида жойлашган ўқув муассасаларига касб-ҳунар коллеж йўналишлари бўйича 9-синфни битирганлар учун қабул эълон қилади

Table with 3 columns: №, Ўқув муассасаси номи, Ўқув муассасасининг манзили, Мухтасарлик номи. Contains details for various educational institutions like 'Қўриқчи ва мелий хунарамдчилик КХК' and 'Ҳамса тўқимачилик КХК'.

Table with 3 columns: №, Ўқув муассасаси номи, Ўқув муассасасининг манзили, Мухтасарлик номи. Contains details for institutions like 'Миробод саноат КХК' and 'М. Улуғбек технология КХК'.

Table with 3 columns: №, Ўқув муассасаси номи, Ўқув муассасасининг манзили, Мухтасарлик номи. Contains details for institutions like 'Тошкент радиотехника КХК' and 'Акмал Икромов Мислий хунарамдчилик КХК'.

Table with 3 columns: №, Ўқув муассасаси номи, Ўқув муассасасининг манзили, Мухтасарлик номи. Contains details for institutions like 'Тошкент табиёт билим юрти' and 'Тошкент табиёт институти'.

Table with 3 columns: №, Ўқув муассасаси номи, Ўқув муассасасининг манзили, Мухтасарлик номи. Contains details for institutions like 'рассомчилик коллежи' and 'Тошкент маданият техникуми'.

(Давоми келгуси сонда)

«Тошкент оқшоми»

ХУКУҚИЙ  
МАСЛАХАТХОНАСИҚонунга ҳурмат ва  
итоаткорлик – ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳукуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

**63. Турар жой авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз, деб топилганда фуқароларга уй-жойни ким беради?**

Агар турар жой авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса, ушбу турар жойдан кўчирилган фуқароларни маҳаллий давлат ҳокимияти органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа обод турар жой билан таъминлади.

**64. Фуқароларни уларга бошқа турар жой бермасдан кўчириш қай тартибда амалга оширилади?**

Агар давлат уй-жой фонди таркибидagi муниципал, идравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар: 1) турар жойни бузаётган; 2) шикастлантираётган; 3) ундан ўз мақсади бўйича фойдаланмаётган; 4) турмуш қоидаларини мунтазам бузиб бошқаларнинг у билан бир қаватли ёки бир уйда яшаш имконини бермаётган бўлса, бунда оғоҳлантиришлар ва жамоат таъсир чоралари ҳам натижа бермаган бўлса; 5) ижарага олувчи томонидан турар жой ҳақи шартномада узокроқ муддат белгиланмагани ҳолда олти ой тўланмаган бўлса ёки қисқа муддатли ижарада шартномада белгиланган тўлов муддати ўтганидан сўнг икки мартадан ортқ тўланмаган бўлса, **Уй-жой кодексининг 74-моддасига** биноан, ижарага берувчи ёки ўзга манфаатдор шахсларнинг талаби бўйича айбдорлар бошқа турар жой бермасдан кўчирилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар, уларнинг ўз фарзандлари билан бирга яшашни мумкин эмас деб топилса, бошқа турар жой бермасдан кўчирилиши мумкин.

**65. Фуқароларнинг қандай ҳолларда турар жойларни алмаштириш орқали мажбурий тартибда кўчирилишига йўл қўйилади?**

Бирга яшаш имкони бўлмаганлиги сабабли бошқа турар жой бермасдан кўчирилиши лозим бўлган шахслар ўзлари эгаллаб турган турар жойдан кўчирилиши ўрнига уни алмаштиришдан манфаатдор тараф кўрсатган бошқа турар жойга алмаштиришга суд томонидан мажбур этилиши мумкин.

**66. Бошқа турар жой бермаган ҳолда фуқарони хизмат турар жойидан ҳам кўчириш мумкинми?**

Фақат иш, хизмат вақтида фойдаланиш учун берилган, ёзма шаклдаги ижара шартномаси билан расмийлаштирилган хизмат турар жойидан: 1) корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнатга оид муносабатларни узган ходимлар; 2) сайлаб қўйилган лавозимларни эгаллаб турган шахслар; 3) ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда улар билан бирга яшаётган барча шахслар билан биргаликда бошқа турар жой бермасдан кўчирилади (**Уй-жой кодексининг 79-моддаси**).

**67. Бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойидан кўчириш тартиби қимларга нисбатан қўлланилади?**

**Уй-жой кодексининг 80-моддасида** қайд этилишича, бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойларидан қуйидаги тоифадаги шахслар кўчирилади:

I ва II гуруҳ ногиронлари;  
1941–1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва байналмилалчи жангчилар;  
ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;  
ногирон фарзандлари бўлган оилалар;  
тарбиячи-ота-оналар (оилавий болалар уйи тугатилган тақдирда);

хизмат турар жойи берган ташкилотларда камиди ўн йил ишлаган (хизмат қилган) шахслар;

эгаллаб турган лавозими муносабати билан турар жой берилган бўлиб, лавозимидан бўшаган, лекин турар жойни берган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнатга оид муносабатларни узмаган шахслар;

ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;

ўзи ишлаган корхона, муассаса, ташкилотдан пенсияга чиққан ходимлар;

хизмат турар жойи берилган шахс вафот этганда унинг оила аъзолари;

вояга етмаган фарзандлари билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар.

**68. Махсус уйлardan қимлар турар жой берилмасдан кўчирилиши мумкин?**

Меҳнат, хизмат муносабатларини тугатган фуқаролар, шунингдек ўқув юртлиларида ўқиниши تامомлаган шахслар уларга иш, хизмат ёки ўқим муносабати билан берилган ётоқхонадан, яъни махсус уйдан (**47-саволининг жавобига қаранг**) бошқа турар жой берилмасдан кўчирилади.

(Давоми бор)

## • КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

Меҳнат ахлининг маданий-маърифий савиясини юксалтириш, маънавий дунёқарашини кенгайтириш, билимини ошириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъозлаш руҳини улар қалбига чуқур сингдириш касабга уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Бу хайрли ишни амалга оширишда ўзаро тажриба алмашиш, фикрлашиш муҳим аҳамият касб этади.

## ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Яқинда шаҳар касабга уюшмалари Кенгаши томонидан йиллик режага биноан «Технолог» очик акциядорлик жамиятининг Бўстонлик туманидаги «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида шаҳар касабга уюшмалари Кенгашининг маъсул ходимлари иштирокида маданият муассасалари раҳбар ходимларининг навбатдаги семинар машғулотли ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти маданият саройининг директори А.Управителев маданият саройларининг болалар соғломлаштириш оромгоҳларига кўрсатилган амалий ёрдами, болаларни эзгуликка етаклашдек хайрли тарбиявий ишни олиб боришда ҳамкорликдаги фаолияти хусусида атофлича тўхталиб, қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Маърузкорхонанинг оммавий кутубхонаси мудир С.Ҳамидова тафаккур қасри деб аталмиш ушбу маърифат масканида олиб борилаётган ишлар, «Билдирсой» болалар соғломлаштириш оромгоҳи билан маданий ҳамкорлик ҳақида тўхталиб, болалар ўртасида китобхонликка меҳр кучайиб бораётганлиги

га ва уни янада қўллаб-қувватлаш зарурлиги, кутубхонада давлат тилидаги ҳамда лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида ёзилган бадиий адабиётлар кўпайиб бораётганлигини мамнуният билан таъкидлади.

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлимининг етакчи мутахассиси Н.Жаборова маданият муассасалари ишини янада такомиллаштириш юзасидан ўз тақлиф ҳамда тавсияларини баён этди.

Шаҳар касабга уюшмалари Кенгаши юридик бўлимининг мудир Л.Ҳасанова маданият муассасаларида меҳнат қонунчилиги масалалари бўйича зарур маслаҳатлар, тавсиялари орқали ҳуқуқий ёрдам бериш билан биргаликда тадбир иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атофлича жавоб берди.

Ўзаро фикр алмашиш тарзида, ишчанлик вазиютада ўтган семинар машғулотли қизиқарли, фойдали мулоқотга айланиб, тадбир қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди.

Умар МИРЗАЕВ

## • АНЖУМАНЛАР

## Маънавият —

## КОМИЛЛИК ТИМСОЛИ

Мирзо Уллубек туман ҳокимлигининг мажлислар залида туман «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамкорлигида Абдухалиқ Гиждувоний ва унинг илмий меросига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда филология фанлари доктори, профессор Олим Усмонов «Гиждувоний ва Бухоронинг бошқа пирлари», тарих фанлари номзоди Одил Қориев эса «Гиждувоний дунёқарашида инсонпарварлик голялари» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Дарҳақиқат, Абдухалиқ Гиждувоний Марказий Осиёдаги тасаввуф оқимларининг энг йирик ва илк асосчиларидан биридир.

Гиждувоний ўз рисоаларида халққа меҳрибонлик, ватанпарварлик, илм-фани севиш ва тарғиб қилиш, нафсга ҳокимлик руҳий камолотга эриштириш, Оллоҳга ва юқори ахлоқий фазилатларга садоқат каби хислатларни тарғиб қилади, таълим-тарбияга катта эътибор беради.

Рисоалардан ташқари у форсийда ёзилган қатор шеърларнинг ҳам муаллифи бўлиб, уларда ҳам ўз ватанини улуғлайди, кишиларни доимо яхшиликка интилиш, ёмонликдан қочишга чақиради.

## • ТАДБИРЛАР

Кўзимиз нури,  
қалбимиз қўри

Болажонлар бизнинг келажагимиз, борлигимиз, жону жаҳонимиздир. Улар билан уйимиз чарогон, қалбимиз нурафшон, бағримиз эса бутундир.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодий кадрлар уюшмаси, «ЎЗ-ТЕА Фонд» бирлашмаси ҳамкорлигида Республика кўғирчоқ театрида «Болалигим — подшолигим» деб номланган болалар шоу-концертини ўтказишди. Тадбирга шахримиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари тақлиф этилди. Болажонларнинг мириқиб дам олишлари, яйраб-қувнашлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

«ЎЗ DAEWOOD» авто қўшма корхонаси болажонлар қувончига шерик бўлиб, ўзларининг ажойиб ва гаройиб совғаларини уларга тақдим этдилар. Саховат тадбири кўнгилларни чарогон этиб, бир олам қувонч улашди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

## • САХОВАТ

Халқимиз болаларни гоёт севади, ардоқлайди, уларнинг тарбиясига жиддий қараб асраб-авайлаб, парваришлайди. Бу бежиз эмас. Чунки, болалар — бизнинг келажагимиз, уларнинг қалбига эзгу ниятларни, меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини сингдириш хайрли иш бўлиб, бунинг меваси сифатида ажойиб фарзандлар, эртанги кунимизнинг муносиб эгалари камол топади.

БОЛА КУЛСА —  
ОЛАМ КУЛАДИ

Касабга уюшмалари халқимиз ҳикматли удумлари, миллий қадриятларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб ҳамда унга сидқидилдан амал қилиб келмоқда. Яқинда кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касабга уюшмалари шаҳар кенгашининг ташаббуси билан тармоқ меҳнатқашларининг фарзандлари Тошкент Давлат циркида намойиш этилаётган қизиқарли томошаларга тақлиф этилди.

Болажонларни ҳаво гимнастикачиларининг қарқон ва нафис ҳаракатлари, доворак дорбозлар, моҳир акробатлар, шижоатли чавандозларнинг эпчилликлари, цирк сахнасига кириб келаётган умидли ёшларнинг иштиёқ билан маҳорат сари интилиши, кўҳна Шарқнинг ўтда куймас, тиг кесмас бетактор истеъдод соҳибларини эслатувчи лобар ўзбек қизининг кишини хайратга солувчи жозибали санъати ўзига мафтун этди, масхараболларнинг ичакузди хангомалари катта-кичикка бир олам қувонч, шодлик бағишлаб, цирк усталарининг ҳар бир чиқишлари гундурос олқишларга сабабчи бўлди.

Цирк қошонасига келган ота-оналар ўзларини эртақлар оламига кириб қолгандек ҳис этиб мириқиб дам олган бўлсалар, болаларнинг беғубор, шодон кулгуси янграб, фойз-тароват бағишлади. Кишиларни бирлаштириб гўзалликка ошно этувчи, эзгуликка чорловчи санъатдан баҳраманд этиш савобли ишдир. Мухими, уюштирилган ажойиб тадбир болаларнинг қалбидан унутилмас таассурот қолдириб, яхшилик сари бошлайди. Болаларга кўрсатилган эътибор эса ўзининг ширин меваларини бериши шубҳасиздир.

Уллубек ПУЛАТОВ

## Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб  
Домо бўлур...

• Қадим замонда бир шох бўлган экан. У шунчалик ёвуз эканки, одамларни мол-дунёсидан айриб, пул қилишдан завқланса, шахару қишлоқларнинг кулини кўкка совириб, гўдаклар қонини оқизиб, лаззатланар экан. Бир куни шох кўшни мамлакатни забт этмоқчи бўлибди. Аммо, жангда осонлик билан мақсадига етолмабди. Ҳайлай-Ҳайлай хийла ишлабди, сотқинларни ишга солиб, мамлакат подшоҳини ўлдирди. Ҳа, эса маликага совчи кўйибди.

Малика орийатли аёл экан. Номусини, юртини ширин жонидан афзал билди, элга бош бўлиб, душмандан ўч олишга аҳд қилибди. Мардонга кийиниб, майдонга чиқибди. Аммо жанг бошланмасдан олдин икки энлик мактуб ёзиб қонхўр шохга жўнатибди. Мактубда эса шундай сўзлар битилган экан: «Эй улуг шох, шунча мағрурлигинг, салоҳиятинг билан жангда енгилсанг, аҳли олам бир умр аёлдан енгилган шох деб устингдан кулиб юради. Агар омад сенга боқиб қолиб келсанг, «Аёл билан тенглашган шох» деб эл улуг лаънатига қоласан».

Шундан сўнг айёр шох маликага қарши урушишга журъат эта олмабди.

Хулоса. Сўзи бутуннинг нону насибаси, эл-юрти бутун.

• **Билимли керакли сўзни сўзлайди,**  
**Кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.**

• **ХИКОЯТ.** Саъдийнинг «Гулистон» китобида қайд қилинишича, Хижоз сафарига чиққан маҳалимда бир неча софдил кишилар менга ҳамроҳ бўлдилар. Улар гоҳо асқабозлик қилишар ва гоҳо ҳикматли шеърлар ўқийдилар. Дарвешларнинг ички дунёсидан воқиф бўлмаган ва уларнинг дилларидаги дардидан беҳабар бир обид то Бани Ҳилол работига етгунча бизга ҳамроҳ бўлиб борди. Бани Ҳилол работида араблар қароргоҳидан бугдой рангли бир бола чиқиб, шу қадар ёқимли овоз билан кўшиқ айтишга киришдики, самодаги қушлар ерга тушдилар. Обиднинг туяси уни ағдариб ташлаб, сахрога қараб қочди. Мен дедим: «Эй шайх, боланинг кўшиги хатто ҳайвонга ҳам таъсир этдию, лекин сенга таъсир этмади».

**Байт:**  
**Билдингми, тонг чоғида**  
**нима дер менга булбул:**  
**«Нечук одам саналгай**  
**севгидан беҳабардир?**  
**Араб шеърин эшитган туя**  
**завқидан ўйнар,**  
**Сенда завқдан асар йўқ,**  
**ҳайвон экансан буткул».**

## • АНЖУМАНЛАР

СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ  
ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Тараққиёт жадаллашиб турмуш тарзимиз ўзгарар экан, амалдаги қонун-қоидалар ҳам шунга мувофиқ тақомиллашиб бораверади.

Жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам кейинги пайтларда босқичма-босқич қатор ислохотлар амалга оширилди, янги қонунлар қабул қилинди, судлар ихтисослаштирилди, апелляция институти киритилди, кассация ва назорат босқичи судларида иш юритиш тартиби ўзгарди. Айниқса, Юртбошимизнинг иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар бир фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва нормаларнинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритиб борилиши зарурлиги алоҳида таъкидланган эди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни тарғибот қилишда прокуратура органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжумани Республика Бош прокуратурининг ўринбосари П. Бобононов очар экан, Президентимиз ташаббуси билан бошланган суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ислохотларни ҳаётга самарали ва изчил татбиқ этиш, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи идоралар, шу жумладан, прокуратура

органлари фаолиятида қонунийлик, ошкоралик, адолат ва демократия тамойилларининг қарор топишида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳам алоҳида ўрни борлигига тўхталиб ўтди.

— Бугунги тadbирни ўтказишдан мақсад, — дейди биз билан суҳбатда Республика бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи, ақлия маслаҳатчиси Светлана Ортиқова, — мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда, хусусан суд-ҳуқуқ соҳасидаги улкан ўзгаришлар, аҳоли тинчлиги, фаровонлиги, турмуш тарзининг юксалиши йўлида қабул қилинаётган қарорларнинг ижроси йўлида аҳоли билан ҳамжиҳатликда иш юритиш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш, бу борада Оммавий ахборот воситаларида кенг ва ҳар томонлама тушунириш ишларини олиб боришга эътиборни қаратишдан иборатдир.

Республика Бош прокуратурасининг Қонунчилик мустақимлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази томонидан ташкил этилган ишбу анжуманда ҳуқуқни муҳофазат қилувчи идоралар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

У нафис ранглари танаб манзара кўламнинг кенг қамровли панорамасини, бепоян кенгликлар ва бўшлиқлар кўйида ястаниб ётган далаларнинг ҳар дақиқа турланиб турган ҳолатларини, таровати тафтини илғаб ифода этади. «Сирдарё», «Оқшом» палласининг турли тусла-нишлари, онлари тасвирланган сериали изланишлари, «Угом», «Олтин куз», «Бойсун», «Баҳор», «Қашқадарё», «Оила пудрати» ва бошқа кўпгаб изланишларида табиат руҳига кирган, унинг тўлиқ кўриниши ва ҳолатларини илғаб, пайқаб, руҳан ҳис қилиб ишланган асарлари аллақачон томошабинлар қалбидан теран жой олган, унга маънавий руҳ бахшида этган лавҳаларга айланган. Рассом бошланғич сабоқни Тошкент бадиий билим юртида олди, тинимсиз ижодий изланишлари ва мураббийлик фаолияти билан танилган В.Петров ва Ҳ.Раҳмоновлар бўлғуси рассомга ижод сирларини ўргатганлар. Шу кунларда ярим асрлик юбилейини ўтказишга ҳозирлик кўраётган, давлатимиздагина эмас, Урта Осиёда биринчи ташкил қилинган Тошкент Давлат педагогика университетида бадиий графика факультетида тахсил олди. Аънавий руҳий муҳитда билимини ошириш мақсадида Рўзи Чориев раҳбарлигида ўқиб, ўрганиш, изланишларини давом эттириш учун рангтаъсир, қаламчиғи ва композицион қурилма билан сирини теранроқ англашга киришди.

Мана шу аънавалар таъсири, шу реалистик ҳаётни ифодалаш услуби би-тирувчи талабалар руҳига теран синг-гит кетган. Воқелиқдан, борлиқдан таъ-

сирланиш, атроф-муҳитдан бевосита куч олиб уни ҳаққоний тасвирлашга интилиш хусусияти Фахриддин Тоҳиров изланишлари ҳам хосдир. Билим имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, на-турани синчиклаб ўрганиш, унинг ру-ҳига кириш, унда кеңайтган ички жа-раёнларни ҳис қилиб тасвирга олиш ундан илҳомланиш ижодкорни доимо илҳомлантиради. У фақат натурани, яъни реал кўринишни француз импрессионистлари илк бор очган

Инсон масъулиятли вазифага кўл уришдан аввал, унинг келгуси истиқ-болда кўз тикиб турган ота-ониси, яқинлари, устозлари олдида қасамд қабул қилади. Куни кеча шахримизнинг энг ардоқли маскани — Мустақиллик майдонида ҳам ана шундай тантанали қасамд мароси-ми бўлиб ўтди.

ВАТАНИМГА ХИЗМАТ  
ҚИЛАМАН

Тошкент шахар Ички ишлар бош бошқармаси ўқув марказининг 40 нафар тингловчиси Ички ишлар тизимларида хизмат қилиш арасида ОНА-Ватанига ва хизмат вазифасига содиқ бўлишга, эл-юрт осойишталиги йўлида керак бўлса жон фидо қилишга тайёр эканликларини билдириб, қасамд қабул қилди.

Шу куни маросим иштирокчилари Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Мазкур тадбирдан сўнг Ички ишлар ходими деган шарафли номга муяссар бўлган ўқув маркази тинглов-чилари ички ишлар идораларининг тур-ли хизматларида ишга юборилди.

— Бугунги кун бизнинг ҳаётимизда уну-тилмас кунлардан бири бўлиб қолди. Мен ёшлигимдан ички ишлар соҳасида хизмат қилишни орзу қилардим, орзумга етдим — деди биз билан суҳбатда ўқув маркази тингловчиси Файрат Солмирзаев.

Албатта халқ ишончи ҳар нарсадан устун туради. Ички ишлар ходимлари ҳам элнинг ишончли вакилларидир. Умид қиламизки ишбу йилгилар келгусида ўза-рининг фидокорона хизматлари билан бу юксак ишончни оқлайдилар.

Аҳмад РАҲМАТОВА

## • САЊАТНИНГ СЕҲРИ ОЛАМИ

ТУЙҒУЛАРИ  
ТАСВИРЛАРДА  
МУЖАССАМ

Фахриддин Тоҳиров бутун ижодий изланишларини ўлкамиз манзараларини куйлашга бахши-да этаётган, қайтарилмас табиат кўринишларини ўзининг сеҳри мўйқалами билан жонланти-риб, кўнгли тубидаги туйғуларини шу тасвирлар-да абадийлаштираётган мўйқалам соҳибидир. У жаннатмакон ўлка манзараларини теран илғаб, ўз ижодини ёрқин ранглар орқали намойён этмоқ-

да. кашфиёт, яъни бир онлик таассурот-ни, шу он, шу дақиқадаги илғаб бўлмас ҳиссиётлар тўлиқини ранглар эпкин-ида ифода этиш хусусияти билан омух-талаштириб, изланишларида талқин этади. Рассом қалби сокинлик, беғу-борлик, осойишталикка мойил. Оқшом пайтидаги боғларнинг сокин руҳи рас-сом изланишларида қайта-қайта ўз ас-сини топадиган мотивлардан биридир.

Ранглардаги туйғунинг, нозик ню-ансларда манзара кўринишини батаф-сил бир маромда тасвирлаш руҳи рас-сом қалбига яқин ҳолатдир. Табиатда-ги жўшқин, ҳаракатларнинг кескин-лашган, маълум ҳолатини ҳис қилиб ишлаган тасвирлари ҳам мавжуд. «Ша-мол», «Кеч» каби асарларида маълум тўлқинланган руҳга кириб, шу ички ҳолатни, қалбларда тебраниш, ҳаракатга келган ички туйғуларни манзара орқ-али бера олиш хусусияти ҳам узраб туради. Баъзан эса кескинлаш-ган, айниқса баҳор фаслидаги табиат табиат қарийда юз бераётган ўзгариш ва турланиш, янгила-нишларни баралла ифода этиш, ҳис қилиб тасвирлаш борасида бир-бирига зид, кес-кин ранглар тароватидан келиб чиққан ҳолда қалбда жўш ура-ётган туйғуларини қаламга олишга интилади. Рассом до-имо этюд ишлаш, табиат билан яқкама-яқка «суҳбат қуриш» жараёнида тўплаган тажрибаси-ни, табиат кўйида юз бераёт-ган оддий кўз билан илғаб бўлмайдиган хусусият ва хис-латларни англаш, рангин тўлқинланиш воситасида аба-дийлаштириш, муҳрлаш бора-сида тинимсиз изланишлар олиб боради. Табиат, ҳаёт, ат-роф-муҳитни кузатиш, у билан доимо мулоқот жараёнида, ун-дан мадад, қалби учун руҳий кенгликлар, бўшлиқлар очиб, ундан янги-янги кучларни сари интилишда. Рассомга бу йўналишда тинимсиз из-ланишлар олиб боришида мадад тилай-миз.

**Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
**Ўзбекистон Бадиий академияси**  
**Ижодкорлар уюшмасининг аъзоси.**  
**СУРАТЛАРДА: рассом ижодидан**  
**намуналар.**



Спорт

Режалар

муҳокама этилди

Мақтаб ўқувчиларининг ёзи тавтил кунларининг сермазиди ўтишини таъминлаш мақсадида ҳар йили ёз фаслида турли хил спорт мусобақалари ўтказилиши анъана тусини олаётганлиги қувонarli ҳолдир. Республика «Маҳалла» жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорликларида маҳалла болалари жамоалари ўртасида уюштириб келинаётган «Футболимиз келажаги» ҳамда ўзбек кураши бўйича «Маҳалла» пахлавонлари» спорт мусобақалари фикримизга далил бўла олади. Утган йили «Футболимиз келажаги» турнирида бир ярим миллион бола қатнашган эди. Жорий йилда ўтадиган турнирда эса икки ярим миллион бола қатнашиши кўзда тутилмоқда. Дарвоқе, илгари «Футболимиз келажаги» бахсларида уч хил ёшдаги болажонлар жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришган бўлса, жорий йилдан ушбу мусобақаларда 4 хил ёшдаги болажонлар қатнашишди. Ўзбек курашини келажагимиз ворислари ўртасида янада оммалаштиришни назарда тутиб маҳаллалар болалари ўртасида уюштирилаётган «Маҳалла» пахлавонлари» мусобақаларида ўтган йили мамлакатимиз бўйича 500 минг нафар болалар гиламга тушишган бўлса, жорий йилда бир ярим миллионга яқин ёш полвонларнинг беллашиши режалаштирилмоқда.

«Маҳалла» жамғармасида мазкур мусобақаларни ўтказиш таъкили қўмитаси аъзолари, маҳаллалар оксоқоллари, ҳрмий ташкилотлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йилгиш яқинда бошланадиган «Футболимиз келажаги» ҳамда «Маҳалла» пахлавонлари» мусобақаларини камчилиқсиз ўтказиш масаласига бағишланди. Зеро болажонларни жисмоний тарбия ва спорт билан ошно этиш, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтишига, болалар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятчиликнинг олди олинишига қатъа ҳисса қўшади. Баҳс-мунозара тарзида ташкил этилган йилгишда бу борада келгусида бағирилиши лозим бўлган ишлар режаси ҳам муҳокама этилди.

Ярим финалга чиқди

Испаниянинг Мадрид шаҳрида жаҳоннинг кучли теннисчи аёллари ўртасида ташкиллаштирилган мукофот жамғармаси 170 минг АКШ доллари миқдоридаги халқаро турнир мамлакатимиз теннис «малика»си Ирода Тўлаганованин маҳорати йилдан йилга юксалиб бораётганлигини яна бир қарра исботлади. Аввал хабар берганимиздек, италиялик рақибани Панеттани 6/4, 6/2 ҳисобида енгган Ирода кейинги босқичда АКШлик Фрезер устидан 6/4, 6/1 ҳисобида ғалаба қозонишга муваффақ бўлди. Чорак финал учрашувида Блек билан куч синашган ҳамюртимизга яна омад кулиб боқди. Мурасасиз уйин 7/5, 6/4 ҳисобида Ироданин ғалабаси билан тугади. Ярим финал баҳсидагина Тўлагановага рўбарў келган Рубин 6/0, 6/4 ҳисобида ҳамюртимизни енгиб финалга йўлланма олди. Умид қиламизки, «теннисимиз малика»си келгуси турнирларда бунданда чиройли уйин намойиш этиб юксак марраларни забт этади.

Акбар ЙИЛДОШЕВ

ШАХМАТ ОЛАМИДА

Хитой донишмандларининг ҳикматларидан

Цзяцзуань жанрида қисқача ва ҳикматли сўзлар тарзида ёзилган асарлар Хитой миллий адабиётининг унча маълум бўлмаган турига мансубдир. У мазкур мамлакатнинг ўзида ҳам унут бўлиб кетган саналади. Бу сўз ўзбек тилига ўтирилса, «ҳар хил», «аралашма», «турли нарсалар тўғрисида хабарлар» деган маънони англатади. Цзяцзуань шакли ва тuzилиши ўзгачалиги, фақат ўзига хос тил услублари билан ажралиб туради. Бир сарлавҳа остида одатга кўра мазмунан яқин ҳикматлар берилади. Улар кундалик ҳаёт тўғрисидаги битиклар, умр ҳақидаги мулоҳазалар дейиш мумкин.

Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисолларга мурожаат этайлик.

**Бекор кетар:**  
ёшлиқда ўқимаган йилларинг,  
ухлаб ўтказган ойдин тунларинг;  
сен сайр этмаган сўлим жойлар,  
сен билан бирга яшамаган  
ғўзал қиз.

Хуань Юнь-Цязо.  
**Ушлай олмайсан:**  
шоҳидан тўкилган гулларни  
ҳам аёл ғўзаллигини.  
Сюй Шу-Пи.  
Ҳикматли сўзлар орасида шахмат мавзусига бағишланганлари ҳам бор.

**Нотўғри ҳисоб эрур:**  
кучсиз шахматчининг  
ўзидан ҳам ожизни излаши,  
ёмон шахматчининг бошқани  
ўзи билан ўйнаша қиستاши.  
**Чидаб бўлмас нарсадир:**  
уйинни кузатган он  
ўзгача йўл кўрсатиши.  
Ван Цюнь-Юй  
(1020-1097)

**Ҳаракат этишар ўзин:**  
кўрсатишга тобелар ожиз  
бошлиқ билан бўлганда ўйин.  
Су Ши  
(1037-1101)

**Жаҳли чиқади сўзсиз:**  
юрётган одамнинг  
туғаса чироқ ёғи.  
Ли Шан Инь  
(812-856)


**Ишониш зарур эмас:**  
мен зўр шахматчиман деб  
мактанган ҳар одамга.

Зуань Юнь  
(XVI—XVII асрлар)  
**Жаҳлидан тушади тез:**  
даханаки жангдан сўнг  
қайта юриш қилса қим.  
Сюйши-Пи  
(XVII аср)

Анвар ИНОКОВ,  
шахмат бўйича спорт  
усталигига номзод.

МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Оқлар юриши бошлаб, шиддатли «жанг»дан сўнг 35 юришда қораларни таслим қилади.



«02»: ҲОДИСАЛАР


◆ Одамлар орасида айрим кимсалар ҳам учрайдики, улар кўпчилик каби ҳалол меҳнат турли хил қинғир йўллар орқали пул топиш илинжида бўлади. Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида яшовчи, бирон жойда ишламайдиган О. Санжар исмли шахс ҳам ўзини ана шундайлар тоифасидан эканлигини намойиш этди. У пойтахтимизнинг Ҳамза тумани Фарғона кўчасида жойлашган 1-уй олдига Қўкон шахри, Қизил Юлдуз кўчасида истиқомат қилувчи Б. Сунибованин йўлини тўсиб, уни кўрkitиб, ёнидаги 80.000 сўм пуллари ва «Нокия» русумли уяли телефонни тортиб олиб қочиб кетган. Аммо ўзганин мулқига кўз олайтирган бу талончиға кўлга киритган ўлжалари насиб этмади. Милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижа-сида ушбу жиноятчи ушланиб, ҳозирда унинг устидан тергов давом этмоқда.

◆ Шайхонтоҳур тумани ҳудудига жойлашган «Чорсу» бозорига ўғрилик жиноятини содир этаётган бир шахс ҳам милиция ходимларининг зийраклиги ва ҳушёрлиги натижа-

сида кўлга олинди. Қашқадарё вилоятининг Яқабот туманида яшовчи ҳеч қарда ишламайдиган Р. Дурдона исмли ушбу фуқаро бугунги кунда ўйламай босган қалтис қадамидан қаттиқ афсусда. У Лашкарлар кўчаси, 8-уйда истиқомат қилувчи, тадбиркор О. Сонихўжаевага тегишли умумий нархи 90.000 сўмда баҳоланадиган матоларни ўғирлагани учун эндиликда қонун олдида жавоб беради.

◆ Юнусобод тумани, Дўстмухамедов кўчасида яшовчи З. Мўминқон, Рафиқов кўчасида яшовчи И. Илҳом ва А. Фаррух исмли ўспиринлар бўлса, 6-мавзе, 40-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Ш. Маҳмудовнинг «ГАЗ-31029» русумли автоуловидан «Пионер» автомагнитоласини ўғирлаб кетишди. Мазкур жиний ўҳлат юзасидан қўрилган суриштирув-қидирув ишлари натижа-сида ўғрилар далилий ашё билан ушландилар.

Тошкент шаҳар ИИББ  
Матбуот  
маркази материаллари  
асосида  
Дилдора РАҲИМОВА  
тайёрлади.



Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

БИЛАСИЗМИ?

Глобал муаммо деб инсонлар ҳаётининг турли жаҳалларида учраб турадиган ва инсониятнинг келажагига таҳдид солаётган муаммоларга айтилади.

Аҳоли сонининг геометрик ўсиши

Аҳоли ва демография нима ўзи? Демография термини илм-фанга француз олими А. Гийяр томонидан 1855 йилда киритилди. Демография фани нафақат давлат аҳоли сонини, балки туғилиш, никоҳлар, ажралишлар, ўлим кўрсаткичларини, таълим кўрсаткичи, аҳоли миллий таркибининг унинг миграциясини ва урбанизациясини ўрганайди. XVIII асрда ашаб ижод этган иқтисодчи Т. Мальтус ўзининг «Нуфус назариясида» Ер юзидаги аҳоли сонини геометрик тарзида ўсса, унинг яраши учун талаб этиладиган моддий неъматлар аксинча арифметик прогрессия тарзида ўсади деган эди. Лекин аҳоли ҳақ хил даврда турли даражада ўсади ва статистик маълумотларни кўриб чиқмасдан ҳулоса қилиб бўлмайди.

1930 йилда Ер аҳолиси сонини — 2 миллиард, 1961 йилда — 3 миллиард, 1976 йилда — 4 миллиард, 80-чи йиллар охирида — 5 миллиард ва 2000 йил бошларида — 6 миллиард.

Демографлар қуйидаги қонуниятни асослаб беришди. Яъни ишлаб чиқаришининг паст кўрсаткичларида туғилиш ва ўлим даражаси юқори, аҳоли сонини эса секин ўсади.

Олимлар фикрига кўра, 2025 йилда Ер аҳолисининг сонини тахминан 55 миллиардга ва 2100 йилга бориб, 10-12 миллиардга етади. БМТ ўз ичига 2025 йилгача бўлган маълумотларни ўз ичига олган «Дунё аҳолиси 1990» докладини чоп этди. Унда «атиғи 147 миллион одам шимолий ярим шардаги иқтисодий ривожланган давлатларга тўғри келади» дейилган. Ва бу туғилиш даражаси ўсиши ҳисобига эмас, балки ўлиш даражасининг тушиши ва ҳаёт давомийлигининг 73 ёшдан 79 ёшга узайганлиги ҳисобига содир бўлади.

Демографик муаммо билан боғлиқ бўлган яна бир глобал муаммо бу — озик-овқат муаммосидир. БМТ томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, агарда қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ишлаб чиқаришда эришилган прогресс барча давлатларда бўлган тақдирда нафақат бутун Ер юзида яшовчи инсонларни, балки ундан икки баравар кўпроқ аҳолини таъминлашга етарли бўлар эди.

Ҳозирда бутун дунё ҳисобида бир йилда 1,7—1,9 миллиард тонна дори этиштирилади. Урта ҳисобда бўлганда, одам сонига йилга 300 килограммдан тўғри келади. Лекин ривожланган давлатлар ривожланаётган давлатлар ҳисобига сезиларли даражада кўп истеъмол қилади.

Хуррият СУВОНОВА



Бош муҳаррир  
Акmal AKROMOV

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 133-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
5952 нускада босилади. Қўғоз биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума  
кунлари чиқади.  
Найр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақиван боғин рўзғатта олинган

Наширни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашрий-натиба акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.